

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Қарши давлат университети  
Педагогика факультети

Музыка таълим йўналиши 014-34 гуруҳ  
талабаси Қудратов Меҳрожнинг

**Музыка таълимида амалий машғулотларни  
ташкил этиш усуллари**

Мавзусида

ЁЗГАН

## **РЕФЕРАТИ**

Бажарди:

М.Қудратов

Қабул қилди:

М.Мурадов

2016 йил

### Аннотация

Мазкур реферат Мусиқа методикаси ва мактаб репертуари фани бўйича бажарилган бўлиб, унда мусиқа таълимимида амалий машғулотларни ташкил этиш усуллари ҳақида ҳикоя қилинади. Ушбу рефератда Мусиқада замонавийлик тушунчалари, Мусиқада замонавийлик ва замонавий мусиқа, Мусиқа таълимида амалий машғулотларни ўтиш услублари, ўшиқ диллар ороли, кўнгиллар шодлиги би масалалар ҳақида ҳикоя қилинади.

Ушбу реферат мусиқа санъатига қизиқувчи ёшлар учун умумий маълумотлар беради ҳамда уларнинг буюк бастакорилар ҳақидаги тасаввурларини бойитади.

Режа:

- 1. Мусиқада замонавийлик тушунчалари.*
- 2. Мусиқада замонавийлик ва замонавий мусиқа.*
- 3. Мусиқа таълимида амалий машгулотларни ўтиши услублари.  
қўшиқ диллар ороли, кўнгиллар шодлиги.*
- 4. Мусиқа инсонга қанот бахшида этади.*
- 5. Мактаб программасида мусиқа дарслари дастур асосида режалаштирилган.*

Муסיқа дарсларида ўқувчиларга муסיқа санъати, бастакорлик, композиторлик услублари, муסיқанинг ифодавий воситалари (муסיқа нутқи ва оҳанги) классик муסיқанинг моҳияти каби муסיқа санъатининг қонуниятлари хақида дастлабки тушунчалар берилади.

Ёқимли овоз инсонга хос гўзаллик (дир) аломатидир.

Кўз қандай эҳтиёт қилинса, овоз ҳам шундай эҳтиёт қилиниши ва парваришланиши лозим. Овозимизнинг соғлом, жарангдор ва ёқимли бўлиши кўп жиҳатдан ўзимизга, муסיқа дарсларидан ўрганган назарияларга амал қилишимизга боғлиқ.

Шуни унутмаслик керакки, шикасланган овозни даволаб, ўз аслига қайтариш мураккаб ишдир.

Муסיқада замонавийлик нима?

Бу саволни кўпчилик одатда ҳозирги кунда яратилаётган ва ижро этилаётган оммавий кўшиқ ва эстрада муסיқасига даҳлдор деб тушунади. Аслида эса «замонавийлик» тушунчасининг маъноси бундан ҳам кенгдир. Мазкур атамани икки маънога бўлиб қараш мақсадга мувофиқдир.

Биринчиси, қисқа маънода, замонавийлик тушунчаси ҳозирги кундаги муסיқани белгилайди, чунки уни бизнинг замондошлар яратмоқда. Бунга оммавий эстрада муסיқалари, композиторлик, ҳозирги халқ муסיқа ижоди киради.

Иккинчидан, кенг маънодаги замонавийлик нафақат бугунги давр музитқаси, балки ўтмишда яратилган ва ўзининг юксак бадий қиймати билан инсонларга ҳозир ҳам эстетик завқ бағшлаётган классик.

Муסיқа намуналари кўзда тутилади.

Агар биз ўзбек клвссик муסיқаларни эстрада, хор ёки симфоник асарлар билан таққосласак, уларнинг садоланиши ва ифодавийлигида ўзига хос фарқни кўраимиз.

Масалан, 40-60 йилларда яратилган «Тоҳир ва Зухра» (А. Козловский ва Т. Жалилов мусиқаси) «Насриддин Бухорода» (М. Ашрафий ва Б. Арапов мусиқаси) А.Навоий (Р.Глиэр ва Т.Содиқов мусиқаси), «Мафтунингман» (М.Бурхонов ва М. Левиев мусиқаси) каби бадиий филлимлар мусиқасини 70-йиллардаги кинофильмлар мусиқаси билан таққослаганимизда фарқ борлигини кўрамиз.

Аммо ўтмишда яратилиб, ҳалигача мумтоз, классик деб юритилган мусиқа намуналари бугунги кунда ҳам инсониятни завқлантириб келмоқда.

Халқимизнинг маънавий ғурури ҳисобланган мақомлар бир неча асрлар аввал яратилган бўлса-да, бироқ ҳануз ўз гўзаллиги, жозибаторлиги билан замонавий тингловчиларни ҳайратга солади.

Унда халқнинг юксак тафаккури ва руҳи, донишмандлигию орзу – истаклар, хуллас, бутун қалб кўри дилрабо ва латофатли, теран куй-наволар мужассам бўлган десак янглишмаймиз.

Замонавий (ўтмиш ва ҳозирги) мусиқани ўзининг ғоявий мазмуни ва бадиий ифодасига кўра шартли равишда жиддий ва енгил мусиқа турларига бўлиши мумкин.

Айрим кишилар, енгил мусиқа деганда оммавий куй-кўшиқ ҳамда эстрада мусиқасини, «жиддий мусиқа» деганда классик мусиқа, айниқса йирик жанрдаги асарларни тушунадилар.

Аслида эса мазкур икки атаманинг асл моҳияти ҳам халқ мусиқасида, ҳам композиторлар ижодида, ҳам рок – эстрада мусиқаларида ўзига хос хусусиятларда намоён бўлиб туради. Мусиқадаги жиддийлик маъноси услуб, жанр тури ва унинг шакл – ҳажмидан қатъи назар муҳим ижтимоий мавзулар, масалан, чуқур фалсафий ғоялар, эрк ва бахт-саодат учун кураш, илк муҳаббат дарди, соғинч ва умуман чуқур инсоний ҳис - туйғуларда ифодаланади. Бошқача айтганда бундай мусиқа кўнгилхушлиқдан кўра тингловчига чуқур ҳиссий таъсир ўтказди ва уни жиддий фикирлашга ундайди. Масалан,

халқимизнинг сеvimли куйи “Тановор”ни олайлик У ўзининг нисбатан кичик шакл – ҳажмига қарамай тингловчида жиддий рухий кайфият маъюслик, кандайдир дардли соғинч, қайғу-алам туйғуларини вужудга келтиради. «Сегоҳ» «Чўли Ироқ», «Субҳидам», «Жазоир» каби машхур куйлар ҳам шундай кайфият туғдиради. Жиддий мусиқа тингловчига завқ, бадий кониқиш ва гўзаллик бахш этади. Енгил мазмунли мусиқа маълум даражада шундай ҳис – туйғулар туғдириши мумкин. Лекин муҳим тамони, енгил мусиқа тингловчини жиддий мушоҳадага ундашдан кўра кўпроқ унда енгил кайфият туғдиришга, кўнгилни хуш этишга, шодлик бахш этишга хизмат қилади. Айни вақтда енгил мусиқа ўзининг мазмунан моҳияти мусиқадан ажралиб туради.

У айниқаса енгил лирика ҳазил – мутойиба ва ҳажвий мазмун билан ажралиб туради. Жумладан, «қилпилама», «Ойижон», «Воҳай бола», «Оҳ лайли» каби халқ кўшиқлари ҳажвий мазмуни билан кишида кўнгил завқ уйғотса, «Ил-ила ёр», «Олмача анор», «Ёр ёрлар» каби кўшиқлар эса шодлик завқ уйғотади. Бундай хусусиятни композиторларни ижодида ҳам кўраимиз. Бундан хулоса шуки композиторлар ижодида ҳам, эстрада куй-кўшиқларида ва халқ мусиқа ижодида ҳам жиддий ва енгил кайфият туғдирувчи хусусият мавжуд экан. Шу боис улкан маданий меросимизга бўлган шошмақомга мурожат этсак, унда ҳам жиддий ва енгил куй ва ашула йўллари мавжудлигини кўраимиз. Ундаги қашқарча, Соийнома ва Уфор йўлидаги ашулалар ўзининг рақсона ритм – умумлари ва тозибал куй-оҳанги биланшодлик ва қувноқлик кайфиятини туғдирса, чуқур фалсафий ғоялар билан суғорилган Сарахба, Талқин, ва Наср шўьбалари эса билакс, тингловчи эътиборини теран фикр ва мушоҳадалар юритишга ундайди.

Бундай хусусиятни биз опера ва балетлар бадий мазмунда ҳам кўраимиз. Масалан, «Майсаранинг иши» операси ўзининг бадийлигига кўра хонвой опера эканлигига ҳамда ундаги қатор ҳажвий ва завқли кўшиқлар мавжудлигига қарамай, кишини андуҳга соладиган (кўшиқ) ва асар қаҳрамони

тақдири билан ташвишга соладиган кўшиқ ва ариялар ҳам мавжуд. шу каби замонавий эстрада ва рок мусиқа жанрларида ҳам жиддий ва енгил кўшиқлар мавжудлигини, ўзбек эстрада жанрининг асосчиларидан бири Ботир Зокиров ижро этган «Қаердасан» (И.Акбаров мусиқаси, Т.Тўла шеъри), «Ҳижрон» кўшиғи (Эрон халқ кўшиғи) лирик кайфият уйғотса «Қочоқ Хабиба» (А.Ваҳоб мусиқаси) номли хазиломуз кўшиғи кишида қувноқлик руҳ бағишлайди.

Севимли Ялла эстрада ансамбилимиз ижро репертуарида ҳам жиддий - лирик мазмундаги кўшиқлар масалан, «Мажнунтол», «/айра-ғайра» билан бир қаторда шўх, хазиломуз кўшиқлар «Бойчечак», «қилпиллама», «Кел-кел жон» борлигини яхши биламиз.

Ўрта мактаб дарсларида мусиқа фанларини ўқитишда замонавийликка катта эътибор бермоғимиз зарур.

Ҳар бир мусиқа дарсида давр талабига жавоб берарли даражада, ўқувчиларнинг ушбу фанга қизиқишларини орттириб бориш замонавийликни. Амалий машғулотларда ҳам замонавийликка эришмоқ лозим.

Бунинг учун мусиқада бадиий образ ифодаси кўшиқларда ифода нутқи ва бадиий ифодаси кенг ўрин тутди.

Масалан, «Қилпиллама» кўшиғини олайлик. Бу кўшиқ замонавий кўшиқлардан биридир.

Даставвал кўшиқнинг мазмуни, тили, услуби ҳақида қисқача маълумот берилади. Кейин эса кўшиқ матни ўқувчиларга ёздирилиб ёд олинади.

Дарсларни мусобақа тарзида, ўйин тарзида ҳам ташкил этса бўлади. Бунда синфни 2 гуруҳга бўлиб, замонавий кўшиқлардан куйлаш, маромига етказиб берилиб айтиш каби усуллар орқали дарсларни ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Дарсларда кўпроқ ноанъанавийликка эришилса, дарс самарадорлиги ошади. Кўпроқ амалий машғулотларимизда ўринли фойдаланиб, замонавий

музыка дарси ташкил эта олсак, ёш авлодни маънавий жиҳатдан етук инсон килиб тарбиялашда уз хиссамизни кўшган бўлар эдик.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳар томонлама тараққиёт йўлига чиқиб олишида, миллий онг ва тафаккурнинг шаклланишида, баркамол инсонни тарбиялашда музиканинг роли каттадир.

Бугун мустақил юртимизга ҳар томонлама етук, ҳар томонлама мукамал, эстетик руҳда тарбияланган ёшлар керак. Мустақил жамият кишисини тарбиялаш мактаб олдига янги юксак талаблар қўймоқда. Мустақил давлат қурувчи авлоднинг ҳар томонлама гармоник ўсиши учун бадиий ва эстетик тарбия бериш ҳозирги замон педагогикасининг асосий вазифаларидан биридир. Кейинги пайтларда Республикамизда санъатнинг аҳволини яхшилаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг ўрта умумий таълим мактабларида, мактабдан ташқари муассаларида санъат, музыка ўқитиш савиясини яхшилаш, яққалон, қўшиқчи ва хор санъатини яхшилаш ва ривожлантириш тадбирлари ишлаб чиқилмоқда.

Музыка дарслари давомида хор ижрочилигидан ташқари дарс давомида музыка тинглаш тарбиси ҳам энг муҳим формалардан ҳисобланади.

Музыка адабиёти билан танишув ва музыка тинглаш мактабдаги музыка дарсининг бўлимларидан биридир. Музыка тинглаш ҳаётдаги ва айниқса санъатдаги гўзалликни ўқувчиларда идрок этиш асосида эстетик хисларни тарбиялашда зўр аҳамиятга эга бўлиб, эстетик муҳокама, тушунча ва дид-завқ таркиб топтиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ўқувчиларга адабиёт дарсини ўргатиш уларда музикавий савиясини ошириш чинакам гўзаллик, юксак ғоявий музикага иштиёқ ва ҳавас уйғотиш учун катта аҳамиятга эгадир. Музиканинг эмоционал таъсири шу қадар кучли бўлади, кичкинтойларнинг чеҳрасига қараб туриб асарни тинглаганда уларда ҳосил бўладиган ва кечинмаларнинг аксини ойнадагидай равшан кўриш мумкин.



Масалан: Ш. Рамазоновнинг «Икки кўзичоғим бор»- кўшиғи ижро этилаётган пайтда кичкинтойларда, ўқувчиларда қувноқ кечинмалар ҳосил бўлади. Аксинча ўқувчиларда Чайковскийнинг «Бемор кўзичоқ» ижро этилаётганда ўқувчилар чехрасида ғимгинлик ва ўйчанликни сезиш мумкин бўлади. Кўпинча болалар мусиқа тинглашар экан, тананинг турли ҳаракатлари билан масалан, секин-аста тебраниб мусиқа асарини ўзига хос хусусиятларини беихтиёр ифодалаб беришга интилади.

Агар юқори синфларда мусиқа таълими маълум мақсадни кўзлаб, режали равишда олиб борилса, ўқувчилар бадиий таъсири чуқур ва юксак бўлган кишининг ички дунёсини ёрқин ифодаламайдиган ёки табиат маезараларини акс эттирадиган, қаҳрамонона ва баланд руҳдаги мусиқани идрок этишга тайёрлана борадилар.

Шунда ўқувчилар композитор ва бастакорларнинг таржимаи ҳоли билан, уларнинг ижоди билан, мусиқа асарларининг тузилиш хусусиятлари билан танишадилар. Асарларни эшитиб уларт орасида фарқни билишга ўрганиб борадилар. Ўқувчилар асарларни оддий равишда тинглаб борганлари сайин, мусиқа асарларининг фазилатларини онгли равишда баҳолаш, асарлардаги айрим белгиларни аниқлаш хилма-хил товушларнинг ўзига хос хусусиятларини ажратиш, куйларни эслаб қолиш қобилиятига эга бўла бошлайдилар.

Мусиқа адабиётининг дастур ҳажми катта, лекин дарс давомида уни ўрганиб бориш, ўқувчиларга тушунтиришга жуда оз вақт берилади, яъни 5-7 дақиқада ажратилган бўлади. Шу сабабли бу бўлимни ва умуман тўлиқ дарсни олиб бориш усулини яхши эгаллаб бориш мусиқа ўқитувчисидан талаб қилинадиган асосий вазифалардан биридир.

Дарс давомида мусиқа адабиётини ўқитиш усулидаги муҳим нарсалардан бири репертуар танлашдир. Мусиқа дастурининг «мусиқа тингалаш» бўлимида ҳар бир синф учун турли жанр, услуб ва ҳарактердаги кўпгина куй ва кўшиқлар тавсия этилади. Бунда ўзбек халқ миллий мусиқамиз

Ўзбек бастакорлари ва композиторлари томонидан яратилиб кенг оммага, мактаб ўқувчиларига тавсия этилаётган асарлари халқ кўшиқлари ва жанговар куй ва кўшиқлар бор. Ҳозирги мустақил истиқлол шарофати билан яратилаётган куй ва кўшиқлар ҳам каттагина ўринни эгаллайди. Мактабда ўқувчиларга мусиқа ўқитувчиси томонидан тинглаш учун тегишли ёшдаги болаларга тушунарли бўлиши учун юксак бадиий, чуқур мазмунли, миллий руҳда тарбиявий аҳамияти чуқур бўлган ғоявий асарлар танланади.

Куйи синфлардаги ўқувчилар ўз диққатини узоқ вақти бир нуқтага тўплай олмайдилар, шу сабабли улар бир, икки дақиқа давом этадиган кичик-кичик асарларни тинглаш тавсия қилинади. Вокал мусиқани тинглаш кичик ёшдаги ўқувчиларга анча осон бўлади, сабаби кўшиқларда шеърнинг аҳамияти катта, чунки болаларни кўшиқ шеъри орқали қизиқтиради ва ўзига жалб этади. Шунинг учун ҳам мусиқа ўқитувчиси томонидан дарс самарадорлигини ошириш бўлимидан бирини ўқитувчи дастлабки пайтларданок бундай асарларни дарс давомида ўқувчиларга эшиттириб кўриши керак. Лекин ўқувчилар тегишли тайёрлов суҳбатлардан кейин муайян дастурга ёки тасвирий хусусиятга эга бўлган чолғу асбобларда ижро этилган куй ва асарларни ҳам бажону дил тинглашади. Масалан биринчи синф болалари Б. Зейдманнинг «Асалхўр айиқ» асарини бемалол идрок этишади. Ўқитувчининг ёрдами билан шу асар устида фикр юритиб, айиқнинг секин-аста узоқдан лапанглаб кўринганини, шундан сўнг унинг қадам товушлари борган сайин баландроқ эшитилаётганини, айиқнинг яқиндашиб келаётганини ва ўрмонга қайтиб кириб кетаётганини тасаввур қиладилар. Бундай пайтда ўқитувчидан кучли маҳорат талаб қилинади, асар ижро этилаётганда мусиқа асбобида динамик товуш кучининг P дан T гача секин-аста кучайиб боришини, ҳамда яна P гача сусайишини ижро этаётганда ўз ўрнида бажариш керак бўлади.

Мактабда болалар идрокиннинг муҳим бир хусусиятларидан бири улар босиқ, охиста ва бир маромдаги куйларга қараганда жадал темпдаги, шўх ва

карама-қарши динамикага эга бўлган асарларни осонроқ идрок қилишларини машғулотлар пайтида кузатишимиз мумкин. Бундай асарларга мисол қилиб Ш. Ёрматовнинг «Ерга доврўғ соламиз», Ф. Назаровнинг «Уч оқайни уч ўртоқ», «Тойчоғим», «Икки кўзичок» ва шунга ўхшаш бир қатор асарларни мисол қилиб олишимиз мумкин. Ҳохирги шароитдан келиб чиққан ҳолда кўшиқни ўргатиш билан бирга ўқувчиларга мусиқа тинглаш асарларини танлай билиш, ўқувчилар қалбига ўйл топа олиш мусиқа ўқитувчисининг асосий вазифаларидан бири бўлиши керак. Шунга эътибор беришимиз керакки, қуйи синфларда болалар баъзи кўшиқларни тинглашнинг ўзи билан кифояланадилар холос, чунки уларни ижро этиш қийин бўлади. Юқори синфларда эса бундай кўшиқлар ўргатилиб, хор билан ижро этилади.

Биз мусиқа ўқитувчиларини дарс жараёнида ўқувчиларга тушунарли, ёрқин бўлиши учун репертуарга турли мавзули ва характердаги асарларни киритаётганимизда уларнинг кўпчилиги қувноқ, хушчақчақ кўшиқлар бўлишига интилишимиз зарур бўлади. Ўқувчиларга мусиқа дарси давомида фақатгина кўшиқ ўргатибгина қолмай, фанни бошқа соҳаларига улаб олиб бориш керак. Мусиқа адабиёти билан биргаликда куй яратувчисининг ҳаёти ижодидан намуна, асар қаҳрамонларини тўлиқ тушунтириб бериш талабга мувофиқ бўлади.

Ҳозирги шароитлардан келиб чиққан ҳолда ўқувчилар учун мустақиллигимизни шарофати билан ўзбек бастакорлари томонидан кўпгина Ватан, Она диёр, дўстлик ва шунга ўхшаш мавзуларда рўзнома ва журналларда кўшиқлар чоп этилиб келинмоқда. Биз мусиқа ўқитувчилари шунинг учун ҳам доимо равишда изланишда бўлишимиз керак, шундагина мўлжаллаган мақсадларимизга эришишимиз мумкин бўлади.

Хуллас мусиқа таълимида амалий машғулотларни ўтиш кенг камровли экан, биз ихтиро этиб чарчамаслигимиз керак.

## Адабиётлар:

1. “Соғлом авлод йили” давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2014-й.
2. Каримов И. А. “Юксак маънавият – енгилмас куч” Т: Маънавият. 2008- йил 173 б.
3. “Халқ сўзи” рўзномаси Т. 8.01. 2008 -йил 4- б.
4. Ражабов И “ Мақомлар” Т: Санъат. 2006-йил 345 б.
- 5 Д. Соипова Мусиқа ўқитиш назарияси ва методикаси .Ўқув-методик қўлланма Т.: – 2009 224 б.
- 6 Х.Нурматов ва бошқа. 2-синф Мусиқа Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ 2001 йил 97-98 б.